

МУНДАРИЖА
Тарих

Ahmadova H. Nato peacekeeping operations.....	4
Бабарахимов Т. Визуал-антропологик ва ҳужжатли фильм ўртасидаги үхшашлик ва ўзингаослар.....	8
Бадалов А. Ўзбекистон саноати тараккиёт ва ислохотлар йўлида.....	12
Маматкулов А. XX аср 60 йиллар совет давлатининг иктисодий районлаштириш сиёсати, унда Катта Ўрта Осиё иктисодий районининг ўрни	14
Муталов С. Таалабаларда лидерлик кобилиятини ривожлантиришининг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари.....	18
Убайдуллаева Б. "Норинжон бобо" зиёраттоҳида "халқона ислом"га оид карашларнинг кўринишлари.....	23
Юсупов А. Қадимги ёзма манбаларда сак кабилаларга оид маълумотларнинг ёритилиши.....	27

Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

Abdullaev J. Specifics of government purchases arrangement and special conditions.....	31
Абдуллаев Э. Инсон капитали тушунчаси ва унинг шаклланиши.....	35
Абдуразакова К. Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш моделлари.....	39
Abduraimov K. Turkish approach to the mid east politics in scope of syria &Lebanon.....	43
Акрамов М.Р. Экологик онг ривожланишида атроф-муҳит таъсирини психологик жиҳатдан ўрганишнинг илмий асослари.....	47
Анваров А. Ўтиш давридаги модернизациялари жарабайларининг таҳдили.....	51
Астанакулов К. Ёшларда соглом турмуш маданийини ривожлантириш жарабайларини тақомиллаштириш механизmlари.....	53
Ahadov M. Kimyo ta'limini modernizatsiya qilishning aspektlari (zamonaviy axborot texnologiyalarining eng so'nggi yutuqlari misolida).....	56
Бадалова М. Total quality management (tqm) – умумий сифат менеджменти концепциясининг тарихий-назарий асослари.....	61
Бурхонов М. Қадимги Марказий Осиё этнослари моддий қадриятларининг умумий жиҳатлари ва фарқлари.....	65
Давронова Ф. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш масалалари.....	69
Djamaldinova Sh. "Kichkina shahzoda"ni shammoli metod asosida adabiyot darslarida o'tganish.....	73
Дилшодов А. Физика фанида тадқиқот қобилиятларини ривожлантиришда компьютер моделлаштиришдан фойдаланиш.....	77
Dusanov E. O'smir psixologiyasiga virtual kompyuter o'yinlarining salbiy ta'siridan himoyalashning ijtimoiy psixologik mechanizmlari.....	81
Ембергенова К. Развитие интереса студентов к астрономии с использованием веб-квестов.....	84
Ermatov Sh. Trigonometrik funksiyalarining qiyomatlarini yodlash usullari.....	87
Жайсанов А. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлгининг асосий йўналишлари.....	91
Закирова М. Ҳалқ дипломатияси – сиёсатнинг заҳираси	96
Ибрагимова Ш. Назарий билим ва сиёсий ҳокимият алоқадорлиги ёки Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фанларнинг истиқболи.....	99
И момова Ю. Ретроспектива событий в Афганистане: роль и место США.....	103
Камалова З. Бўлажак педагогикнинг қасбий рефлексияси тузилиши ва уни ривожлантириш йўллари	107
Кўйиннова Ф. Ислом ҳамкорлик ташкилоти жаҳон сиёсатининг фоъл актори сифатida.....	110
Qarshiboyev Sh. Oliy o'quv yurtlarida o'quv jarayonida bo'lajak mutaxassislarining maxsus kompetensiylarini shakllantirish.....	114
Каршиева Д. "Қасбий компетенлик" ва "қасбий компетенци" тушунчаларининг педагогик-лингвистик талқини.....	118
Кахарова Н., Махкамов У. Интернет тармоқларida ўзбек блогерларининг ижтимоий стратегиялари.....	122
Qorayeva L. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining kreativ qobiliyatlarini rivojlantrishning pedagogik-psixologik aspektlari.....	126
Курбанов У. Монтене: самоанализ и наблюдения как своеобразная техника исследования человеческих состояний, качеств и свойств.....	130
Мамадалиева Т. Особенности международных интеграционных процессов на современном этапе.....	135
Maxatova N. Zamonaviy boshqaruvida gender tafovutlarning psixologik xususiyatlari.....	138
Махмудова Д. Таалабаларда креатив компетентликни ривожлантириш мезонлари ва баҳолаш даражалари.....	141
Мирисаева Б. Мамлакатни демократлаштириш ва сайловлар жарабонида сиёсий партиялар фаолияти.....	145
Мусоева А. Жаҳон мамлакатлари таълим тизимида CEFR-нинг таъсiri.....	149
Nazarov F. Turkiya zamonaviy tashqi siyosatida kurdlar muammosi: imkoniyatlar va tahliliklar.....	153
Нуруллаев Ф. Узлуксиз таълим тизимида Бухоро фольклор қўшикларини ўргатишнинг ўрни ва аҳамияти.....	157
Сандозимхўжаева М. Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро имижини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари.....	160
Сейтимбетова Г. Основные вопросы применения инновационных технологий на уроках физики (на примере бакалавриата нефизической специальности).....	164
Суропов Б. Инновацион таълимда таалабаларни қасбий тайёрлаш.....	167
Тожибаев Б. Ижтимоий табакаланишининг социал аспектлари.....	170
Тошев О. Европа сиёсий жарабайларида мультикультурализм сиёсатининг пайдо бўлиши	174
Турабова С. Инновацион тафаккур – жамиятнинг барқарор ривожланиши мезони.....	177
Тургунова Г. Виртуал воқелик психологик категория сифатida.....	180
Ўрокова О. Шарқ романтизмидаги дунёкаро муаммои ва унинг ижтимоий, мағкуравий негизлари.....	183
Hamidov F. Texnika oliy o'quv yurti talabalarining muhandislik kompetentligini shakllantirish asoslari.....	186
Хикматов Ф. Миллий ҳаффиёзликни таъминлаш ва сиёсий рискин бошқаришининг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида).....	190
Холиков С. "Дифференциал тенгламалардан" маъруза машгулотларини ташкил этишни тақомиллаштириш.....	194
Холиков Ю. Жамиятда миллатлараро бағрикенглик маданийини ривожлантиришининг миллий асослари.....	198
Xoshimova Sh. Ta'lim jarayonining sifatini oshirishda mobil texnologiyalardan foydalanib o'qitishning didaktik imkoniyatlari.....	202



УДК: 378:37.012:37.012.8

Дилфузा МАХМУДОВА,
Чирчиқ ДПИ, п.ф.ф.д.(PhD) Чирчиқ ш.
Ўзбекистон Республикаси.
E-mail: dilfuzamahmudova@mail.ru

ЎзМУ профессори п.ф.д. Х.Ж. Худойқулов таҳрири остида.

CRITERIA AND LEVELS OF ASSESSMENT OF THE DEVELOPMENT OF CREATIVE COMPETENCIES IN STUDENTS

Abstract

In the context of the widespread introduction of international assessment programs into the education system of our country, it is important to develop a model for the development of creative competence among future mathematics teachers, substantiate the pedagogical conditions for the development of creative competence of students in the process of teaching mathematics, create a set of mathematical tasks that serve the development of creative competence of students, develop a diagnostic evaluation system, as well as determining the level of development of students ' creative competence in the process of teaching mathematics. The process of developing creative competence can be monitored and implemented if the criteria, indicators and levels are clear. In this article, we have described the criteria, indicators and levels of assessment of the development of creative competence

Key words: creativity, creative competence, criterion, level, reproductive, productive, creative

КРИТЕРИИ И УРОВНИ ОЦЕНКИ РАЗВИТИЯ КРЕАТИВНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У УЧАЩИХСЯ

Аннотация

В условиях широкого внедрения международных оценочных программ в систему образования нашей страны, важное значение приобретает разработка модели развития креативной компетентности у будущих учителей математики, обоснование педагогических условий развития креативной компетентности учащихся в процессе обучения математике, создание комплекса математических заданий, служащих развитию креативной компетентности учащихся, разработка диагностической системы оценки, а также определения уровня развития креативной компетентности учащихся в процессе обучения математике.Процесс развития творческой компетентности можно отслеживать и внедрять, если критерии, показатели и уровни ясны. В данной статье мы описали критерии, показатели и уровни оценки развития творческой компетентности

Ключевые слова: креативность, креативная компетентность, критерий, уровень, репродуктивный, продуктивный, творческий.

ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ ВА БАҲОЛАШ ДАРАЖАЛАРИ

Аннотация

Халқаро баҳолаш дастурларини мамлакатимиз таълим тизимиға кенг жорий этиш шароитида бўлажак математика ўқитувчиларида креатив компетентликни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиши, математика ўқитиши жараённанда талабалар креатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини асослаш, талабаларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи математик топшириклар тўпламини яратиш, математика ўқитиши жараённанда талабалар креатив компетентлигининг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолашнинг диагностик тизимини ишлаб чиқиши мухим ахамият касб этмоқда. Креатив компетентликни ривожлантириш жараёни, агар мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари аниқ бўлса, кузатилиши ва амалга оширилиши мумкин. Ушбу мақолада биз креатив компетентликни ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва баҳолаш даражаларини баён қилдик.

Калил сўзлар: креативлик, креатив компетентлик, мезон, даража, репродуктив, продуктив, ижодий.

Кириш. Мамлакатимизда олий таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, математика фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар бўлажак математика ўқитувчиларини тайёрлашнинг методик тизимини ривожлантириш, математика ва умумтаълим фанларини интеграциялаш, илгор ўқитиш методлари ва технологияларини тадбиқ этиш имкониятини оширмоқда. Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш чоратадбирларидаги «Математика соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини таъминлап», амалий математикани ривожлантириш ва

иктисодиёт тармокларидағи муаммоларни моделлаштириш асосида математик ечимларни ишлаб чиқиши» [1] мухим вазифа сифатида белгиланган. Бу эса, бўлажак математика ўқитувчиларининг креатив компетентлигини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари ва методик шартларини аниқлаштириш, креативликни ривожлантириш модели ва ахборот-методик таъминотини такомиллаштиришини тақозо этади.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).**

Креатив компетентликни ривожлантириш жараёни, агар мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари аниқ бўлса, кузатилиши ва амалга оширилиши мумкин.

Мезон (юононча criterion – мулоҳаза учун восита, арабча – ўлчов, тарози, мувозанат) – таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза [2; 496-б]. Педагогик адабиётларда мезон сифатида таълим муассасасининг ва таълим олувчиларнинг ўкув фаолияти натижалари олинади. Г.В.Лаврентьев талабаларнинг ўкув фаолиятини баҳолашнинг таълим олганлик (назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишда билим ва кўникмаларга таяниш кобилияти) ва тарбияланганлик (талабаларни уларни ўраб турган оламга муносабатининг шаклланганлиги кўрсаткичлари) мезонларини ажратиб кўрсатади [3; 232-б].

Т.А.Шульгина фаолият натижаларини баҳолашда мотивациянинг мавжудлиги, билимлар тизимини эгаллаш, фаолиятни мунтазам амалга ошириш. Шунингдек, олимлар умумўқув кўникмаларининг ривожланганлик даражасини баҳолашнинг кўйидаги мезонларини ажратиб кўрсатишида: фаолиятнинг ўзлаштириш даражаси, баён этишда ҳаракатларни танлашнинг англанганлиги, ҳаракатларни автоматлаштириш параметрлари (В.П.Беспалько); операцияларни бажаришнинг тўлиқлиги, уларни бажаришнинг кетма-кетлиги, ҳаракат ва операцияларнинг англанганлиги (А.В.Усова) [4; 70–76-б].

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Креатив компетентликнинг ривожланиши даражаси таълим муассасаси ва таълим олувчиларнинг ўкув фаолияти натижаларини ҳам акс эттиради. Креатив компетентликнинг ривожланишининг ўзини олий таълим муассасаси ва талаба фаолиятини, худди шундай маълум бир вактда ривожланадиган, функционал тузилмага эга шахснинг интегратив сифатини шунчаки баҳолаш мезони деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бу билан боғлиқликда таълим олувчиларнинг креатив компетентлигининг ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонларини белгилаб олиш муҳим вазифа саналади.

Кўпчилик тадқиқотчилар компетентликнинг ривожланишини таълим олувчиларнинг кўникмаларига асосланиб баҳолашади. Жумладан, В.В.Шаламов кўйидаги кўникмаларни ажратиб кўрсатган: “таққослаш, умумлаштириш, тушунчаларни аниқлаш, янги билимларни эгаллаш ва таркиб топтириш, мустакил билимларни ўзлаштириш, ўз-ўзини такомиллаштириш мақсадида билишга доир кўникмаларни қўллаш, касбий вазифаларни ҳал этишда эгалланган билим, кўникма ва фаолият усусларидан фойдаланишга тайёрлик” [5; 20-б].

Бизнингча, таққослаш, умумлаштириш, тушунчани аниқлаштириш креатив компетентликнинг когнитив компонентини, кўникмаларни қўллай олиш қобилияти фаолиятга доир компонентини, креатив вазифаларни ҳал этишда эгалланган билим, кўникма ва фаолият усусларидан фойдаланишга тайёрлик ва унга тузатишлар киритиши коррекцион-баҳоловчи компонентига тааллукли.

Кўпчилик муаллифлар креатив компетентликнинг мотивацион компоненти билан боғлиқ кўникмаларни ажратиб кўрсатишига алоҳида эътибор қартишида. Бироқ бизнингча, индибулат-шахсий жиҳат билан боғлиқ кўникмаларга ҳам аниқлик киритиш зарур. Мазкур жиҳатдан М.Б.Уразова томонидан белгилаб берилган талабаларни лойиҳавий фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ кўйидаги кўникмаларга диккат қартиш лозим: мақсад кўйиш ва унга эришиш жараёнини ташкил этиш, ўзининг мақсадини тушунтириш кўникмасига эгалик; вазифаларни шакллантириш ва фаразларни илгари суриш; мустакил равиша билимларни эгаллаш; ўзининг ўкув-билиш фаолиятини таҳлил этиш; ўз-ўзини баҳолай олиш; ўзининг тадқиқот иши натижаларини оғзаки ва ёзма шаклда ифода этиш [6; 123–124-б].

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Бизгача амалга оширилган ишлардаги мезонларни танлаш ҳакидаги тақлифларга таяниб, креатив компетентликнинг таркибий асосларига мувофиқ мазкур компетентликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари аниқлаштирилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Креатив компетентликни ривожлантириш мезонлари кўрсаткичлари

Мезонлари	Кўрсаткичлари		
		1	2
Мотивацион-шахсий		<ul style="list-style-type: none"> -билишга ва тадқиқчиликка эҳтиёжнинг мавжудлиги; -ўрганишдан кўзланган мақсаднинг аниқлиги; -шахсий ва касбий қадрият сифатида креатив фаолиятига ижобий муносабат; -танланган касб соҳасининг аҳамиятининг англанганлиги; -аниқ мақсадга асосланган креатив фаолиятни амалга оширишга интилиш; -ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш; -касбий вазифаларни ҳал этишда мавжуд билим, кўникма ва фаолият тажрибасидан фойдаланишга тайёрлик. 	
Когнитив		<ul style="list-style-type: none"> -креатив жараёнларининг намоён бўлишини ўзига хосликлари ҳакидаги тасаввурга эгалик; -фаолият тури билан боғлиқликда турли креатив ҳаракатлардан фойдаланишдаги фарқларни тушуниш; -креатив фаолият соҳасига доир чукур ва кенг билимларнинг мавжудлиги; -маълум бир креатив топширикларни ҳал этишда тезкорликни таъминловчи етарли миқдордаги алгоритмлар сонининг мавжудлиги. 	
Фаолиятга доир		<ul style="list-style-type: none"> -креатив топширикларни бажаришда мустакилликнинг намоён бўлиши; -янги ижтимоий ва касбий шарт-шароитларга самарали мослашув; -илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этиш; -ахборотларни излаш ва қайта ишлашнинг турли усусларини ўзлаштириш; -интеллектуал йўналганлик; -касбий фаолиятда юкори кўрсаткичларга эришиш учун мавжуд билимларни амалиётда ижодий қўллай олиш; -янги билимларни эгаллаш ва яратиш учун билишга доир кўникмаларни қўллаш. 	
Рефлексив-баҳолашга доир		<ul style="list-style-type: none"> -креатив жараёнларининг амалга ошишини таҳлил килиш, ўз-ўзини назорат килиш, ўз-ўзини коррекциялаш ва ўз-ўзини намоён килиш. 	

Шакллантириш тушунчасидан фарқли равиша

юкорида келтирилган мезонларга мувофиқ, креатив

компетентликни ривожлантириш даражалари мазкур жараённи амалга ошириш босқичларининг фарқланиши ва интеграциялашуви ни ўзида акс эттиради.

Даража деганда, бирор-бир нарса-ҳодисанинг микдор кўрсаткичлари, ривожланиш ҳолати тушунилади [7; 1376-б]. Бизнинг тадқиқот ишимиз учун минимал ва максимал ҳолатни акс эттиришининг чегараси сифатида креатив компетентлик даражасини белгилаб олиш алоҳида муҳимлик касб этади.

Креатив компетентлик бўйича ўтказилган изланишлар натижалари шуни кўрсатадики, кўпчилик тадқиқчилар унинг ривожланиш даражалари сифатида паст, ўрта, юкори кўрсаткичларни кайд этиб ўтишади.

Педагогик адабиётларда ўзлаштириш даражалари кўйидагicha баён этилади: 1) танишув – талaba ўрганилаётган объект ва жараёнларни таниш, фарқлаш ва мувофиқлаштириш лаёкатига эга; 2) қайта намойиш килиш – репродуктив фаолият; 3) кўникма ва малакаларнинг таркиб топғанлиги – продуктив фаолият; 4) ижодий даражада [4; 70 – 76-б].

Биз креатив компетентликнинг ривожланганлик даражаси чегарасини кўйидаги тарзда белгилаш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз: репродуктив, продуктив, ижодий. Хар бир даражанинг түлиқ тавсифи 2-жадвалда келтириб ўтилган.

2-жадвал

Талабаларда креатив компетентликнинг ривожланганлигини баҳолаш даражалари.

Мезонлари	Даражалари		
	Репродуктив	Продуктив	Ижодий
1	2	3	4
Мотивацион-шахсий	Креатив фаолиятга эхтиёжнинг мавжуд эмаслиги	Креатив фаолиятга эхтиёжнинг мавжудлиги	Креатив фаолиятга эхтиёжнинг юкорилилиги
	Фаолият мақсадини бошқалар таъсирида асосида белгилаш	Фаолиятдан кўзланган мақсаднинг мавжудлиги	Фаолиятдан кўзланган мақсаднинг аниклиги
	Креатив фаолиятга бефарқ муносабат	Креатив фаолиятга ижодий муносабат	Креатив фаолиятга ижодий муносабат
	Креативликнинг ижтимоий-касбий аҳамиятини англаб етмаслик	Креативликнинг ижтимоий-касбий аҳамиятининг англганлиги	Креативликнинг ижтимоий-касбий аҳамиятининг юкори даражада англганлиги
	Аниқ мақсадга асосланган креатив фаолиятнинг мавжуд эмаслиги	Аниқ мақсадга асосланган креатив фаолиятнинг мавжудлиги	Аниқ мақсадга асосланган креатив фаолиятни амалга оширишга интилишнинг юкори эканлиги
	Ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш-га интилишнинг мавжуд эмаслиги	Ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш-га интилишнинг мавжудлиги	Ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилишнинг юкори эканлиги
	Креатив вазифаларни ҳал этишда мавжуд билим, кўникма ва фаолият тажрибасидан фойдаланишга тайёрликнинг пастлиги	Креатив вазифаларни ҳал этишда мавжуд билим, кўникма ва фаолият тажрибасидан фойдаланишга тайёрлик	Креатив вазифаларни ҳал этишда мавжуд билим, кўникма ва фаолият тажрибасидан фойдаланишга тайёрликнинг юкори даражаси
Когнитив	Креатив жараённинг намоён бўлишини ўзига хосликлари ҳақидаги тасаввурнинг мавжуд эмаслиги	Креатив жараённинг намоён бўлишидаги ўзига хосликлар ҳақидаги тасаввурнинг мавжудлиги	Креатив жараённинг намоён бўлишидаги ўзига хосликларни тушуниш
	Креатив вазифалар ва касбий фаолият тури билан боғлиқликда турли изланишга доир ўкув ҳаракатларидан фойдаланишдаги фарқларни тушунмаслик	Креатив вазифалар ва касбий фаолият тури билан боғлиқликда турли изланишга доир ўкув ҳаракатларидан фойдаланишдаги фарқларни тушуниш	Креатив вазифалар ва касбий фаолият тури билан боғлиқликда турли изланишга доир ўкув ҳаракатлардан фойдаланишдаги фарқларни чукур тушуниш
	Креатив фаолият соҳасига доир билимларнинг пастлиги	Креатив фаолият соҳасига доир билимларнинг мавжудлиги	Креатив фаолият соҳасига доир билимларнинг чукур англганлиги
	Маълум бир креатив топшириқларни ечишда белгилаб берилган тайёр алгоритмга асосланиш	Креатив топшириқларнинг ечимиши топшириқларни ечишда шахсий когнитив стратегиялар, кўп микдордаги алгоритмларнинг мавжудлиги	Креатив топшириқларнинг ечимиши топшириқларни ечишда янгича ёндашиш
Фаолиятга доир	Креатив топшириқларни намуна бўйича ечиш	Креатив топшириқларни ечишда мустакиллик	Креатив топшириқларни ечишда янгича ёндашиш
	Креатив фаолиятга мослашувнинг сустлиги	Янги ижтимоий ва касбий шароитларга бефарқлик	Янги ижтимоий ва касбий шароитларга самарали мослашиш
	Илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишга иштиёкнинг	Илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишга бефарқлик	Илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этиш

	Одатдаги усуллар ёрдамида ахборотларни излаш ва қайта ишилаш	Ахборотларни излаш ва қайта ишилашнинг айрим янги усулларини эгаллаш	Ахборотларни излаш ва қайта ишилашнинг кўплаб усулларига эгалик
	Интеллектуал йўналганликнинг пастлиги	Интеллектуал йўналганликка эгалик	Юқори интеллектга эгалик
	Эгалланган билимларни амалиётда қўллашнинг репродуктив хусусиятга эгалиги	Эгалланган билимларни амалиётда қўллашнинг продуктив хусусиятга эгалиги	Эгалланган билимларни амалиётда қўллашга юқори даражада ижодий ёндашиш
	Янги билимларни ўзлаштириш ва яратиш бўйича маҳсус усуллар қўлланилмаслиги	Янги билимларни эгаллаш ва яратиш учун когнитив кўникмаларни кўллай олиш	Янги билимларни эгаллаш ва яратиш учун когнитив кўникмаларни ижодий кўллай олиш
Рефлексив-баҳолашга доир	Креатив жараёнларни таҳлил қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини коррекциялаш ва ўз-ўзини намоён қилиш кўникмаларининг шаклланмаганлиги	Креатив жараёнларни таҳлил қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини коррекциялаш ва ўз-ўзини намоён қилиш кўникмаларининг етарли эмаслиги	Креатив жараёнларни таҳлил қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини коррекциялаш ва ўз-ўзини намоён қилишда танқидий муносабатнинг шаклланганлиги

**Хулоса ва таклифлар
(Conclusion/Recommendations).** Шундай қилиб, креативлик, креатив фаолият, креатив фикрлаш жараёнлари, креатив компетентлик компонентлари, шунингдек, мезонлари, кўрсаткичлари, даражаларини таҳлил этиш асосида қўйидаги натижалар кўлга кирилтилди:

1. Креатив компетентлик тузилмасига биноан уни шакллантиришнинг қўйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин: таълим олувчиларда касбий таълим ва эгалланамётган касбга мотивацион-шахсий йўналганликни ривожлантириш; креатив фаолиятни ташкил этиш технологиялари билан куроллантириш; рефлексия ва ўз-ўзини объектив баҳолаш усуллари, креатив фаолиятини эмоционал-иродавий бошқариш кўникмаларини шакллантириш.

2. Ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан бош вазифа таълим олувчиларда креатив компетентликни уларга самарали ўкув-касбий фаолиятни тақдим этадиган ва бутун хаёт давомида мустақил билим олишга

қобилиятлиликини ривожлантирадиган даражада шакллантиришдан иборат.

3. Маълум бир муддатни тақозо этувчи, креатив фаолиятнинг турли-туман намоён бўлишини ифода этувчи шахс ривожининг сифат кўрсаткичи сифатида “креатив компетентликнинг ривожланиш даражасини баҳолаш мезонлари” тушунчасига аниқлик киритилди.

4. Креатив компетентликнинг компонентлари билан бир хил тарзда талабаларда креатив компетентликнинг ривожланишини баҳолаш мезонларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди: мотивацион-шахсий, когнитив, фаолиятга, рефлексив-баҳоловчи.

5. Ҳар бир белгиланган мезон бўйича креатив компетентлик кўрсаткичлари мазмуни очиб берилди.

6. Креатив фаолият кўрсаткичлари индикатори сифатида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш даражалари (репродуктив, продуктив ва ижодий) белгиланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4708-сон карори. –Тошкент, 2020 йил, 7 май.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2001. – 704 б.
3. Лаврентьев Г.В. Инновационные обучающие технологии в профессиональной подготовке специалистов. Часть 2. – Неудахина–Барнаул: АлтГУ, 2004. – 232 с.
4. Латюшин В.В. Оценка качества научно-исследовательской и научно-методической деятельности в современном ВУЗе / В.В.Латюшин, Т.А.Шульгина // Вестник Челябинского государственного педагогического университета – № 3. – 2009. – С. 70-76.
5. Шаламов В.В. Развитие познавательной компетентности обучающихся профессиональных образовательных заведений деонтического типа в процессе самостоятельной работы по истории: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Екатеринбург – 2007. – 20 с.
6. Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего педагога профессионального образования к проектировочной деятельности: дисс. док.пед.наук. – Ташкент. – 2015. – С.123-124.
7. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. 100000 слов, терминов и выражений/ С.И. Ожегов. – Изд.: АСТ, 2016. – 1376 с.